

**Договор**  
**Договор № 11/22**



01 декабр 2022

**г.Ангрен**  
**(место заключения договора)**

**(дата заключения договора)**

"ANGREN SPECIAL ELECTRO REPAIR" MCHJ (именуемое в дальнейшем – Исполнитель) в лице директора **NORXUJAYEV A'ZAM ALOVITDINOVICH**, с одной стороны, и НАСОС СТАНВА ВА ЭНЕР БОШКА (именуемое в дальнейшем – Заказчик) в лице директора **XURRAMOV SAMAD KUDRATOVICH**, с другой стороны, вместе именуемые Стороны, а по отдельности – Сторона, заключили настоящий договор о следующем:

**1. договор**

**По настоящему договору Заказчик оплачивает и принимает, а Исполнитель поставяет товар(услуг) на следующих условиях:**

№	Наименование товаров (услуг)	Идентификационный код и название по Единому электронному национальному каталогу товаров (услуг)	Штрих-код товара/услуги	Единицы измерения	Кол-во	Цена	Стоимость поставки	НДС		Стоимость поставки с учётом НДС
								ставка	сумма	
1	<b>2000 кВт 750 об/мин электродвигатель статорини таъмирлаш</b>	<b>11301999001000000 - Услуга по диагностике, ремонту и техническому обслуживанию машин, устройств, сооружений и оборудования</b>		<b>услуга (сум)</b>	<b>1,00</b>	<b>120 909 570,00</b>	<b>120 909 570,00</b>	Без НДС		<b>120 909 570,00</b>

**Общая сумма договора составляет Сто двадцать миллионов девятьсот девять тысяч пятьсот семьдесят сум 00 тийин (сумма прописью).**

**1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ**

1.1. «Хизмат кўрсатувчи» ўзига тегишли бўлган ва келишилган ишларни яъни, Аму-Қашқадарё ИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармасига қаршли Қарши туманидаги Шуртан насос станциясидаги 2000 кВт 750 об/мин электродвигатель статорини таъмирлаш мажбуриятини олади. «Буюртмачи» эса ушбу кўрсатилган хизматларни қабул қилиб олиб ҳисоб-китоб қилади.

**2. БАЖАРИБ БЕРИЛАДИГАН ХИЗМАТ СИФАТИ**

2.1. Бажариб бериладиган хизматларни сифати Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан белгиланган Давлат стандарти ва бошқа меъёрларга мувофиқ бўлиши лозим.

2.2. Бюджет ташкилотлари зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиши мумкин.

**3. ШАРТНОМАНИНГ ҲИСОБ – КИТОБ ТАРТИБИ**

3.1. Ҳисоб - китоб «Буюртмачи» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.2. Шартноманинг умумий суммаси: 120 909 570 (Бир юз йигирма миллион тўққиз юз тўққиз минг беш юз етмиш) сум Қўшимча Қиймат Солиғисиз

3.3. Шартнома кучга кириб, тегишли Ҳазначилик тизимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг 3 банк иш кунида «Хизмат кўрсатувчи» хизматлар умумий суммасининг 30 % ини олдиндан аванс тариқасида «Хизмат кўрсатувчининг» нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

3.4. Қолган охириги 70 %ини «Хизмат кўрсатувчи» томонидан бажариладиган хизматнинг далолатнома ҳисоб - варақ фактуралари асосида 10 банк иш кунида ўтказиб беради.

3.5. «Буюртмачи» томонидан 30 % и миқдорда олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг «Хизмат кўрсатувчи» 20 иш кунни давомида мазкур шартномада кўрсатилган миқдорда ва нархларда Давлат стандарти, гигиена талабларига жавоб берадиган, хизмат турларини «Буюртмачи»га бажариб беради.

**4. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

4.1 «Хизмат кўрсатувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Бажариладиган хизмат учун олдиндан ҳақ туланиши ва тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва тўла ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилиниши бюджет ташкилотидан талаб қилиш;

- Берилган буюртманомага мувофиқ бажарилиши керак бўлган хизматни қабул қилиш асосиси рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини бюджет ташкилотидан талаб қилиш;

4.2 «Хизмат кўрсатувчи» қуйидагиларга мажбур:

- Бюджет ташкилотига бажариладиган хизматни мазкур шартномага мувофиқ ёки бюджет ташкилоти томонидан мазкур шартноманинг 3.4-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига асосий белгиланган муддатларда сифат ва миқдориди етказиб бериш;

- Агар бажариладиган хизматни бажариб бериш жараёнида «Хизмат кўрсатувчи» шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йул қўйилган бўлса бюджет ташкилотининг талаби билан аниқланган барча камчиликлар 3-кун муддатда бепул ҳал қилиб бериш;

- «Хизмат кўрсатувчи» ушбу шартноманинг 1.1.-бандида кўрсатилган хизматларни бажаришдаги барча транспорт харажатларини (статорни таъмирлашга олиб келиш ва таъмирлангандан кейин олиб бориб бериш) уз ҳисобидан амалга оширади.

4.3. «Буюртмачи»нинг ҳуқуқлари:

- «Хизмат кўрсатувчи» дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

- «Хизмат кўрсатувчи» дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифатларда хизматларни бажариб берилишини талаб қилиш;

- Бахосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

- Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қопланишини «Хизмат кўрсатувчи» дан талаб қилиш;

4.4. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари:

- «Буюртмачи» «Хизмат кўрсатувчи» ушбу шартнома буйича хизматларни бажариб бериш санасидан 1 кун аввал ёзма ёки электрон (факс, телефон) тарзда буюртманома юборилади

- ўз буюртманомаси буйича хизматларни бажариб берилишини мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

4.5. Шартномада кўрсатилган нархлар бозорда нарх наво ўзгариши ҳисобига ўзгартирилади.

**5. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ**

5.1. Шартнома қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши шарт. Агар томонлар уз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

5.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йул қўйилмайди. Қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

5.3. «Буюртмачи»нинг розилиги билан хизматлар муддатдан олдин бажариб берилиши мумкин.

5.4. «Буюртмачи» муддатлари бузилган ҳолда бажариб бериладиган хизматларни қабул қилишни рад этишга ҳақли.

5.5. Бажариб бериладиган хизматларни бевосита «Буюртмачи» нинг маъсул ходими томонидан далолатнома буйича қабул қилинади.

5.6. Мазкур шартномада назарда тутилган бажариб бериладиган хизматларни бевосита «Буюртмачи» нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади.

5.7. «Буюртмачи» илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд бажариб бериладиган хизматларни тегишли туркумларини бажариб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Хизмат кўрсатувчи» нинг буюртманомасида кўрсатилган сана бошланишидан камида 1-кун олдин хабардор қилади.

**6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Бажариб бериладиган хизматларни «Хизмат кўрсатувчи» томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари

- аниқланган тақдирда "Хизмат кўрсатувчи" бажариладиган хизматни сифатини шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб - китоб қилади ва ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари "Буюртмачи" га нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 15% миқдориди жарима тўлайди.
- 6.2. Агар бажарилган хизмат сифати, ассортименти, навлари, стандарт техник шартлар талабларига намуналарга ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда айбдор томон етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган бажарилдиган хизмат қийматининг 15% миқдориди жарима тўлайди.
- 6.3. Бажарилган хизмат буйича шартномада назарда тутилган мажбуриятларини бажарилиши рад этилганлиги учун етказиб берувчи "Буюртмачи" га белгиланган устамалардан ташқари бажарилиши керак булган хизматнинг 20% миқдориди жарима тўлайди. Жаримадан ташқари "Хизмат кўрсатувчи" "Буюртмачи"га бажариладиган хизматини бажаролмаслиги натижасида аниқланган зарарни тўлайди.
- 6.4. Бажариб бериладиган хизматларни кечиктирилган ёки тўлиқ бажарилмаган тақдирда "Хизмат кўрсатувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдориди пеня тўлайди. Бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилган хизмат қийматининг 50% дан ортиқ бўлмаслиги керак.
- 6.5 Бажарилган хизмат учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Хизмат кўрсатувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4% миқдориди пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50% дан ортиқ бўлмаслиги керак.
- 6.6. Мазкур шартномада назарда тутилган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.
7. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ
- 7.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда улар судга ҳал этиш чорларини кўрадилар.
- 7.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақлидир.
- 7.3 Томонлар хўжалик судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иқтисодий судида куриб чиқилади
8. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР
- 8.1. Агарда бир томонда шартларни бажара олмаслиги ёки махсулот сифати миқдори ва суммаси тэғрисидаги ўзгариш бўлса, олдидан ўзаро келишувга асосан ўзгартириш киритилади.
- 8.2. Форс можор ҳолатида шартнома бузилса, ўзаро келишиб олинади.
9. ШАРТНОМА МУДДАТИ.
- 9.1. Шартнома томонлар имзолаб, худудий Ҳазначилик бўлимида рўйхатга олинган кундан кучга кириб, 2022 йил 31 декабрга ачал қилади.
- 9.2. Шартнома 2 (икки) нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жихатдан тенг кучли ҳисобланади.

## 2. ЮРИДИЧЕСКИЕ АДРЕСА И РЕКВИЗИТЫ СТОРОН

### Исполнитель

**Наименование: "ANGREN SPECIAL ELECTRO REPAIR" МСН**  
**Адрес: DO`STLIK KO`CHASI, 27-A UY**  
**Тел.: 998998548205**  
**Факс:**  
**ИНН: 309117653**  
**ОКЭД: 33140**  
**Р/С: 20208000805470164001**  
**Банк: АНГРЕН Ш., ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДАГИ "НАМКORBANK"**  
**АТБ АНГРЕН ФИЛИАЛИ**  
**МФО: 01149**

### Заказчик

**Наименование: НАСОС СТАНВА ВА ЭНЕР БОШКА**  
**Адрес: ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ 17**  
**Тел.:**  
**Факс:**  
**ИНН: 200667042**  
**ОКЭД: 70210**  
**Р/С: 100021860104017042402170003**  
**Банк: ТОШКЕНТ Ш., МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ТОШКЕНТ ШАХАР ҲИСОБ-КИТОБ КАССА МАРКАЗИ**  
**МФО: 00014**

№2006899249 13.12.2022 09:58:13

**ОТПРАВЛЕНО**

NORX UJAYEV A'ZAM ALOVITDINOVICH

оператор: didox.uz

№2006152935 13.12.2022 09:59:00

**ПОДТВЕРЖДЁН**

XURRAMOV SAMAD KUDRATOVICH